



SOCIO-ECONOMIC PHENOMENA AND PROCESSES (SEPP)

DIGITAL ECONOMY MECHANISMS

Zuhra Maratdaevna Otagozieva

*Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khorazmi,
associate professor,*

candidate of economic sciences

zukhra.otakuzieva@rambler.ru

Ulugbek Nortojiev

*Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khorazmi, 3rd
year student*

ulugbek.nortojiyev@mail.ru

Abstract: *This article discusses in detail the most important mechanisms of virtual institutionalization, i.e., market, entrepreneurship, price mechanism, service, innovation, blockchain technologies, etc.*

Keywords: *digital economy, mechanisms of digital economy, internet market, blockchain technologies, virtual environment*

Кириш

Ҳозирги кунда, ахборот жамиятида рақамли иқтисодиёт хўжалик фаолиятининг жадал ривожланаётган шакли десак, муболаға бўлмайди. У ҳамма жойга кириб бормоқда ва иқтисодиётнинг реал секторида мустаҳкам ўринни эгалламоқда. Ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт бутун дунё бўйлаб хўжалик фаолиятини юритишнинг одатий шакллари ва усуллари ҳам тезда ўзгартириб юбормоқда.

Рақамли иқтисодиёт ишлаб чиқариш жараёнларини ахборотлаштириш, компютерлаштириш ва маълумотларни компютер тармоқлари орқали узатиш билан узвий боғлиқ бўлиб, ижтимоий жараёнларни рақамлаштириш ва Интернетнинг виртуал муҳитида янги механизмларни шакллантириш билан бирга кечади.

Виртуал институционаллашувнинг энг муҳим механизмлари қуйидагича:

а) *биринчиси бу бозор механизми* бўлиб, у янги бозор институти сифатида виртуал бозорларнинг фаолияти билан боғлиқ. Интернетдаги бозорларни таснифлаш турли хил йўллар билан амалга оширилиши мумкин: айирбошлашнинг асосий маҳсулоти (ахборот товарлари бозори) бўйича, ташкил этилиши тури (савдолар бозори - ким ошди савдоси) бўйича, фаолият доираси (интернет-банкнинг) бўйича, «сотувчи-харидор» тури (B2B, C2C, B2C ва бошқалар) бўйича. Интернет-бозорнинг бир тури, унинг бир қисми, бу компютер тармоғида ҳам ишлайдиган, аммо анъанавий маънода компютерларга эҳтиёж сезмайдиган мобил виртуал бозор (аслида, операцион тизимга эга бўлган ва Интернетга уланган мобил телефон - бу компютердир). Интернетда нарх белгиланишнинг учта янги тамойиллари амалда бўлади: реклама маҳсулот учун пул тўлайди, харидор сарфламоқчи ва нарх битимлар сонига қараб белгиланади. Биринчи тамойил товарларни таннарх нархидан пастрокда сотишга имкон беради, чунки қўшимча тўловни сотувчининг веб-сайтига ўзининг рекламасини жойлаштирувчи реклама берувчи тўлайди. Иккинчи тамойил сотувчиларга юқори нархларни белгилаш имконини беради, айниқса эксклюзив товарларга, бу ерда ким ошди савдоси механизми харидор ва сотувчи ўртасида эмас, балки сотувчиларнинг ўзлари ўртасида ишлай бошлайди. Учинчи тамойил масштаб самарасини ҳисобга олади ва ушбу маҳсулотнинг харидорлари кўплиги сабабли нархларни пасайтиришга имкон беради. Ва ниҳоят, буюртма бериш ва унинг харидорига етказиб беришнинг белгиланган санаси ўртасида юзага келадиган оралиқ вақт сотувчига ушбу маҳсулотни ишлаб чиқарувчидан қўшимча буюртмалар (масалан, кийим-кечак) беришга имкон беради ва шу билан барча сотиб олинган товарларнинг сотилишини кафолатлайди. Анъанавий савдо буни амалга оширишга йўл қўймайди, чунки битта дўконда товарлар йўқ бўлганда, харидор шунчаки бошқасига боради. Шундай қилиб, Интернетни анъанавий фаолият моделларидан фарқ қилувчи агентлар ўртасидаги марказлашмаган муносабатлар, сотувчи ва харидор ролларини бир кишида бирлаштириш қобилияти ва таклиф талабдан устун бўлган, глобал виртуал бозор сифатида кўриш мумкин;

б) *иккинчи механизм - бу тадбиркорлик*. Бу виртуал корхоналарнинг яратилиши ва интернетда кичик бизнесни шакллантиришни таъминлайди. Виртуал тадбиркорлик - бу шундай бир фаолият тури ҳисобланадики, унинг асосий жараёнлари Интернетнинг компютер тармоғида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. "Виртуал корхона ихтисослашувидан қатъи назар, унинг асосий хусусияти Интернет-компютер тармоғидан бошқарув қарорларини мувофиқлаштириш, ҳамкорлар ва истеъмолчиларни топиш,

тармоқдан фойдаланган ҳолда қўшма лойиҳаларни яратиш ва амалга ошириш учун фойдаланишидир" [1]. Микро даражада ривожланаётган бизнес жараёнлар макроиктисодий жараёнларга ҳисса қўшади, чунки улар бозорни ва рақобатни барқарорлаштиради, ишсизликни камайтиради, ЯИМни оширади ва янгиликларни жорий қилади. Кичик бизнес институти ва унинг виртуаллашуви электрон тижорат орқали кўплаб мамлакатларда ЯИМ ҳажмини оширишга имкон яратди. Масалан, Қозоғистонда электрон тижоратнинг ривожланиши ҳар йили ЯИМнинг 1,1 фоизини беради [2]. 2018 йилда Россиянинг электрон тижорат бозорининг ҳажми 1,66 триллион рублни ташкил этди ва 2017 йилга нисбатан 59 фоизга ўсди. Виртуал тадбиркорлик савдо, воситачилик ва консалтинг фаолиятини амалга ошириш орқали иш билан бандликни кўпайтиришга имкон беради ва тадбиркорликнинг ўзи, кўплаб мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ижтимоий-иктисодий ҳодиса сифатида жамият таркибий тузилишига, яъни, ўрта синфнинг шаклланишига таъсир қилади. Интернетдаги тадбиркорлик фаолияти доимо ахборот моҳиятига эга, гарчи иқтисодий нуқтаи назардан, бу сотиш, харид қилиш жараёнлари ёки логистика ва молиявий операцияларни амалга ошириш, шунингдек товар ва хизматларни ишлаб чиқариш бўйича мувофиқлаштириш ва лойиҳалаш фаолияти бўлиши мумкин;

в) учинчи механизм нарх механизми бўлиб, у "Интернетдан олдинги" муаллифлик ҳуқуқи институтида устун бўлган бозор алмашинуви принципи ўрнига хайрия принциpidан фойдаланган ҳолда, турли хил профессионал жамоаларнинг муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотни бепул тарқатиш истагига асосланади [3]. Бундай жамоаларга ўзларининг ғояларини тарқатишдан манфаатдор бўлган илмий нашрлари бўлган олимлар, бепул кириш учун дастур кодларини нашр этадиган дастурчилар, ўзларининг тингловчиларига эга бўлган мусиқачилар ва ёзувчилар қиради. Улар муаллифлик ҳуқуқларини сақлаб қоладилар, контентни сотишни талаб этмайди ва замонавий муаллифлик ҳуқуқи институтини ташкил этади;

г) тўртинчи механизм - бу хизмат (сервис) бўлиб, бу Интернетда ривожланаётган таълим ва ташкилий соғлиқни сақлаш хизматлари институтларни шакллантирувчи механизмлардир. Интернетдаги таълим хизматлари шахсга билимларини ва касбий малакаларини оширишда ёрдам берадиган иккита асосий компонентни ўз ичига олади. Янги касб - киберўқитувчи - ўзига хос билим ва кўникмаларни, шу жумладан, компьютер алоқаларини фақат оғзаки даражада амалга оширишни талаб қилади. Масофавий ўқитиш билан боғлиқ бўлган таълим фаолияти нафақат педагогика нуқтаи назаридан, балки социология ва ҳуқуқ нуқтаи назаридан, шунингдек, иқтисодий нуқтаи назардан изланишни талаб қилади, чунки унинг натижаси фаол, махсус ўқитилган меҳнатга лаёқатли фуқаролардир ва улар харажатлар ва сифатини баҳоланиши, шунингдек, ижтимоий меҳнат тақсимотида иштирок этишларини талаб қилади. Соғлиқни сақлаш хизматлари, бир томондан, асбоб-ускуналардан фойдаланиш ва диагностика жиҳатидан тобора кўпроқ фарқланиб, дифференциациялашмоқда, аммо бошқа томондан, улар шахсийлаштирилган карталарни сақлашда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, фуқароларни рўйхатдан ўтказиш, касаллик тарихи ва турли мутахассислардан тиббий кўрикдан ўтказиш нуқтаи назаридан марказлаштирилган;

д) бешинчи механизм инновацион бўлиб, у аниқ лойиҳаларни амалга ошириш учун вақтинчалик илмий ва ижодий жамоаларни яратилиши тенденцияси билан боғлиқ. Бу ерда турли мамлакатлар олимлари ва уларнинг илмий йўналишларини виртуал муҳитда

бирлаштирадиган, ўз ишларини очик ҳолда виртуал муҳитда жойлаштирадиган, шунингдек, талабалар ва мобил фрилансерларни ўз ичига олган ижодий ҳамжамиятнинг илмий институти фаолият юритади. Ушбу шахслардан фанлараро тадқиқотлар асосида инновацион маҳсулотлар яратишга қодир бўлган вақтинчалик илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш гуруҳларини тузилади. Лойиҳа фаолияти, шунингдек, билимларнинг турли соҳалари мутахассисларини бирлаштиришдан синергетик эффект олиш, келажакда унинг яратувчилари учун кутилмаган соҳаларда қўлланиладиган натижани олиш имконини беради. Бундай натижага мисол сифатида виртуал институтлаштиришнинг олтинчи механизми сифатида қаралиши мумкин бўлган блокчейн технологияси келтириш мумкин;

е) олтинчи виртуал институционаллашув механизми блокчейн технологиясидан фойдаланишга асосланган. Тармоқ, минтақа ёки мамлакат ичида ўзаро боғлиқ бўлган маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш учун ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш платформаларининг пайдо бўлиши билан бир вақтда номарказлаштириш амалга оширилади, бу Интернетнинг виртуал муҳитида ҳам амалга оширилади ва аниқ ёки яширинча жамиятнинг умумий рақамлаштирилишига қарши чиқади. Ушбу жараёнларнинг асоси блокчейн технологияси бўлиб, у 2009 йилда биринчи криптовалюта билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган ва янги виртуал бозорларни ва бошқа иқтисодий - ижтимоий алоқа жараёнларини ташкил этишда, институционал таҳлил - янги Интернетдаги институтлар нуқтаи назаридан ҳам тез тарқалмоқда [4]. Илгари биз Интернетнинг иккита асосий институтини аниқлаган эдик: виртуал бозорлар ва ижтимоий тармоқлардаги фойдаланувчилар уюшмалари, иккаласи ҳам дастлаб норасмий институтларга тегишли эди, аммо вақт ўтиши билан улар давлат ва қонуний тартибга солиниши мақомига эга бўлишди [5]. Иккинчисига Форекс бозори ва электрон тўлов тизимларига асосланган турли хил банк хизматлари, таълим хизматлари бозори, шу жумладан масофавий ўқитиш ва бошқалар киради. Интернетнинг иккита асосий институти турли шаклларга эга - ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши, уларда яратилган қизиқишлар гуруҳлари, шунингдек, ижтимоий тармоқлардан иқтисодий мақсадларда фойдаланиш ва виртуал бозорнинг янги тармоқлари пайдо бўлишидир. 2008 йилдаги молиявий инқироздан сўнг янги ҳодиса - крипто валюта пайдо бўлди, бу компьютер дастури томонидан яратилган ва ҳақиқий пулга алмаштириш учун чекланган фойдаланувчилар орасида тақсимланган криптографик код ҳисобланади. Биринчи крипто валюта - бу биткоинлар бўлиб, улар электрон пуллар сифатида анъанавий пулларнинг қуйидаги хусусиятларига эга: улар қиймат ўлчови, товар айланиши воситаси, тўлов воситаси, жамғариш воситаси ва халқаро пуллар ҳисобланади. Крипто-валюта айирбошланиши асосида С. Накамото томонидан тавсифланган блокчейн технологияси (блок занжири) ётади. Ушбу технологиянинг ғояси шундан иборатки, бунда тенг иштирокчилар тармоғи яратилади, уларнинг ҳар бири бошқалар билан марказлашган бошқарувисиз келишилган нархларда алмашиши мумкин бўлади ва тармоқнинг бутун фаолияти бир томондан, ишончга, лекин бошқа томондан, доимий равишда амалга ошириладиган битимлар иштирокчилари томонидан назоратга асосланади. Натижада, бозорда бўлгани каби, қадриятлар алмашилиши амалга ошириладиган, шунингдек, ушбу чиқариладиган қадриятлар марказий регуляторсиз бўлган жамият яратилади. Бозор функциялари ва амалга оширилган операциялар бўйича ўзаро келишувлар кузатилганлиги сабабли, иштирокчиларнинг махфийлиги билан ажралиб турадиган янги институт юзага келадигани ҳақида айтиш мумкин. Хэш - криптографик код кўринишидаги

транзакцияларнинг электрон имзосидан ташқари, тизимда бозор агентлари тўғрисида бошқа маълумотлар мавжуд бўлмайди. Шундай қилиб, блокчейн технологияси кенг миқёсли ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келадиган янги виртуал институтсионаллашув учун асос ва рағбат бўлди.

Кўпгина тадқиқотчилар эътиборларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишда блокчейндан фойдаланиш имкониятларига қаратдилар: ишлаб чиқариш соҳасида ақлли шартномалар, тарқатилган дафтарлар ва ўзгармас криптографик ёзувлар ишлаб чиқариш харажатларини камайтириши, ускуналар ва ишчи кучи самарадорлигини ошириши мумкин; умумий операцион самарадорликни ошириш ва бутун дунёдаги корхоналар ва ишлаб чиқарувчилар учун янги имкониятларни очиш; молия соҳасида дунёнинг етакчи банклари операцияларни тезлаштириш, уларнинг банклар ва уларнинг мижозлари учун хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек мижозларга қулайлик яратиш ва операцияларда банкларнинг харажатларини камайтириш учун блокчейнни амалга оширишни бошладилар.

Блокчейн тармоқларида норасмий институтларнинг ўсиб бораётган роли аста-секин нафақат банкларга, фонд биржаларига, балки давлат бошқарув тузилмаларига ҳам эҳтиёж йўқлигига олиб келиши мумкин;

ж) виртуал институционаллашувнинг еттинчи механизми - бу алоқа. Бу ижтимоий тармоқларга асосланган иқтисодий институтларни шакллантиришга имкон беради, тармоқ фойдаланувчиларининг махсус мақсадли ахборот маҳсулотларини истеъмолчилар гуруҳларига бирлаштирадиган шахсларро алоқаларига асосланади ва Интернетнинг норасмий институти пайдо бўлиши билан таснифланади. Масалан, Интернет-дастурни яратишга ҳисса қўшиш нуктаи назаридан фойдаланувчилар, воситачилар ва яратувчилар ўртасида фарқ ажратилади. Интернетда статистик маълумотларни тўплайдиган, турли реклама ва сиёсий акцияларнинг аудиторияга таъсирини ўрганадиган тадқиқотчилар мавжуд. Шунингдек, битта лойиҳада ишлайдиган турли гуруҳлар тармоғида ўзаро алоқаларни ташкил қилувчи турли даражадаги менежерлар мавжуд, улар Интернет-дўконларнинг ишини назорат қилади, ташриф буюрувчиларни таснифлайди, кейинги мақсадли реклама учун уларнинг гуруҳларини яратади. Расмий рўйхатларга ҳали киритилмаган янги касблар пайдо бўлмоқда, улар тармоқдаги маълумотларни қайта ишлаш, сайтларга хизмат кўрсатиш ва алоқа таъминоти билан боғлиқ фаолиятни амалга оширадилар.

Интернетдан ўз ҳаётида у ёки бу тарзда фойдаланадиган ҳар бир киши янги норасмий институтларни шакллантиради, уларни турли мезонларга кўра таснифлаш мумкин: мусиқа ихлосмандлари, қиморбозлар, бозор агентлари, ўз фикрларини билдириш учун турли чат ва форумларга ташриф буюрадиган фаол коммуникаторлар, "синфдошлар" ва бошқалар. Турли хил мақсадларда Интернетга мурожаат қиладиган бу одамлар аслида бозорга ташриф буюрадилар, чунки ҳозирда ҳар қандай шаклда товарлар ёки хизматларнинг рекламаси бўлмаган деярли бирон бир сайт мавжуд эмас.

Шахснинг иқтисодий хулқ-атвори ва унинг кадр-қимматини афзал кўришига, кўпинча одам учун шахсан таниш бўлмаган, лекин ижтимоий тармоқлардаги хабарлар орқали тез-тез ўзаро таъсир қилиш туфайли фикрини тинглайдиган виртуал муҳит таъсир кўрсатади. Ушбу ҳодиса оғзаки сўзларнинг таъсирига эга, бу эса тингловчиларнинг қамровини ва янгиликларни тарқатиш тезлигини сезиларли даражада оширди.

Агар замонавий ёшлар ҳақиқий муҳитдан кўра виртуал муҳитни афзал кўришади ва ўзларининг кўп вақтларини Интернетда ўтказишади деб ҳисобласак, у ҳолда виртуал муҳитда институтларнинг шаклланиши тез ва сезилмасдан содир бўлади, бу аллақачон ижтимоий оқибатларга олиб келишни бошлади ва буларга турли хил ижтимоий ҳаракатларнинг таъсири, ватанпарварликнинг пасайиши ва оммавий ҳаётга бепарволикни киритишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, виртуал институционаллашув механизмлари: 1) виртуал бозорларнинг фаолият кўрсатиши, талаб ва таклифнинг шаклланиши, таклифнинг индивидуаллашуви ва унинг талабдан устунлиги; 2) виртуал муҳитда кичик бизнес; 3) муаллифлик ҳуқуқи институти - ахборот маҳсулотига эгалик қилиш; 4) ахборот маҳсулотлари истеъмолчиларининг турли гуруҳларини шакллантириш, иккинчисига таълим хизматлари ва соғлиқни сақлаш ташкилий хизматларини ҳам киритиш мумкин; 5) ижодий мобил фрилансерлар институти негизида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун вақтинчалик мослашувчан ишлаб чиқаришни яратиш; 6) янги виртуал молия институтлари учун махфийлик, хавфсизлик асосланган блокчейн технологияларидан фойдаланиш; 7) ижтимоий тармоқларда кизиқишларни ҳисобга олган ҳолда, гуруҳларни ташкил этиш - турли мезонларга кўра таснифланиши мумкин бўлган янги норасмий институтлар: мусика ихлосмандлари, ўйинлар, бозор агентлари ва бошқаларни ўз ичига олиши керак.

Адабиётлар руйхати

1. Апатова Н. В., Малков С. В. Рискология виртуального предпринимательства. Симферополь, ДИАЙПИ, 2013. 316 с.
2. Какая отрасль будет ежегодно давать больше 1 % к ВВП [Электронный ресурс]. URL: https://forbes.kz/process/internet/kakaya_otrasl_budet_ejegovodno_davat_bolshe_1_k_vvp/
3. Цуркан Е. Г. Проблема правовой неэффективности института копирайта в глобальной сети Интернет // Проблемы современной науки и образования. 2017. № 4 (86). С. 54–57.
4. Satoshi Nakamoto Bitcoin: a peer-to-peer electronic cash system, 2008. [Электронный ресурс]. URL: <https://bitcoin.org/bitcoin.pdf>
5. Апатова Н. В. Институты Интернет // Научные труды Донецкого национального технического университета. 2010. № 1 (38). С. 38–41.
6. Гулямов С.С. va boshqalar. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. Т.: “Iqtisod Molia” nashriyoti, 2019. 386 bet.
7. Аууров Р.Х. Raqamli iqtisodiyot: muammolar va yechimlar. “Halqaro moliya va hisob” ilmiy elektron jurnali. 2-son, Aprel, 2018. Interfinance.uz – saytida. 8 bet.
8. Аууров Р.Х. О’zbekistonda raqamli iqtisodiyot rivojlanishining asosiy yo’nalishlari. “Молия” илмий журналы, Т.: ТМИ, №4-сентябрь, 2019, 25-35 бетлар.
9. Otakuziyeva Z.M. Development of information economy in Uzbekistan. Global science. Development and novelty. Collection of scientific papers, on materials of the IV international scientific-practical conference December 25, 2016.Lisbon.Ed. SPC "LJournal", 2016. – 13-17 p.

SOCIO-ECONOMIC PHENOMENA AND PROCESSES (SEPP)

Volume 1 Issue 1, June 2022

10. Otakuziyeva Z. M. Forming and development of information economy in Uzbekistan. American Scientific Journal № 1 (9) / 2017, Elmhurst AV, Queens, NY, United States.- p.82-86.